

Киёзлар оиласининг ўзгача бир хосияти — улар ёппасига туш кўришади. Етти яшар ўглидан то етмиш яшар отасигача туш кўриб чикишади. Тунда қандай туш кўргангани эрталаб бир-биридан сўраш — одат. Бир кечалик меҳмондан ҳам: “Қандай туш кўрдингиз!” — деб сўрашни қанда қилишмайди.

Тарқи одат — амри маҳол деганларидек, бу кеча ҳам қаттаю кичик — барчаси туш кўриб чиқишибди. Сўни даставвал отаси бошлади:

— Тушимда сувсаб қолган эканман, болам, чой қўйиб юбор десам, келин тушмагур эшитмаганга олиб уч қоса қатик қуйиб келса бўладими. Симириб-симириб ичдим-ей...

— Вой шўри-им, энди нима қиламиз? Уч кун қаттик жала қуйиб, довул турар экан-да, бекор ичибсиз, — деди кампири.

— Ичмасам келиннинг қўнглига келади-да, иложим қанча...

— Бу алвастиларга овқат берсанг ҳам ёқмайсан, — деб бир силтанди келин.

Келиннинг бу “черткиси” даврадагиларнинг қулоғи ёнидан “ўтиб кетди”.

— Сен ҳеч нарса кўрганнинг йўқми? — деб қол кампиридан сўради.

— Кўрдим. Кўрганда ҳам битта эмас, иккита туш кўрдим.

— Эна, кўзингиз яхши кўрмайди-ку, тушни қандай қилиб кўрасиз? — сўраб қолди набираси.

— Оғзингни юм, — жерқиб берди бу сўзни ҳазм қила олмаган кампир, — тур нари, кўзимга кўринма.

— Шундоғам кўринмайман — деди бола парво ҳам қилмай.

— Кўявер, бола-да, ундан кўра тушингни айтсанг-чи.

— Дарвоқе, тушимда келин кўрпасининг устида шир яланғоч ўтирибди. Вой, қайнотанг қелиб қолмасин, бирор нарса ёпинсанг-чи, десам...

— Э-э, ўлма, Худо берди десанг-чи, — деди қария одатдагидек овозини баралла қўйиб, — набиралик бўлар эканмиз.

Кампир “Иккинчи тушим...” деб энди бошлаган эди, сиртдан келиннинг шангиллаган овози эшитилди:

— Бугун ҳамманинг тушига мен кириб чиқибман-да. Сизлар кўрмаган ҳеч вақо қолмаган, шекилли? Ниятларингизни биламан — “бола!”. Аҳмоқлигимдан иккитасини йўргалатиб қўйдимми? Қўйдим! Энди бас, дедимми, бас! Бола керак бўлса, ўзларинг ҳаракат қилинглари. Бола тугиш осон иш деб ўйлайсизлар, шекилли.

Келин узок шангиллади.

Қайнона “қарши хужумга” ботина олмади.

Қайнотанинг тили қотиб қолди.

Нихоят, анчадан кейин қайнонага жон кирди:

— Болам, — деди у келинига, — бировнинг тушидан бировнинг жаҳли қикмаса ҳам бўлар. Бу нимаси, айланай? Харқалай, ўзинг ёмон туш кўрганнинг йўқми?

— Сизлар кўрадиган тушни мен кўра олмайманми? Кўрдим!

— Э-э, чирогим, гапни шундан бошламайсанми, — деди қол.

— Айтсам, айтавераман. Тушимда худди хозиргидек қир-пичок бўлиб ўтирган эканмиз, бир маҳал қуюқ қора булут қелди-ю, уйимизни тўнкариб қетди.

— Астағфирулло! Астағфирулло! Биз қаерда эканмиз?

— Отамни, — келин қайнотасига ишора қилиб деди, — икки бошли аждаҳо...

— Бас қил-е, тушинг ҳам қуриб қетсин, — келинини хай-хайлади қол.

- Мен каёкда эканман? — сўради кайнонаси.
 - Уйдан югуриб чиксам, сизни бир нортуя...
 - Вой шўрим, — кампирнинг ранги окариб кетди.
 - Ўзинг нима килаётган экансан?
 - Бунака зўр томоша хар куни хам бўлмайди. Мазза килдим.
 - Вой, тилинг кесилгур-ей! Тушинг ўзингга кўринсин-а! — дейишди чол билан кампир.
 - Ха, ёкмадими? — ўдагайлади келин.
 - Ёкмади.
 - Ундай бўлса, бугундан бошлаб туш кўришни бас киламиз. Нима дейсизлар?
- Чол кампирига маъноли тикилиб деди:
- Биз розимиз, гап сенда колди, келин.

Киргизчадан Курбон Саттор таржимаси.